

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
22 май,
жума
№ 20
(1106)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳам-жихатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамойиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқин намоён бўлади.

Тақдиротда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ҳамда “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳақида ахборот берилди.

Уларга кўра, Қурбон ҳайити муносабати билан кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, оғир ва ногиронлиқни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камида 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналар фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 доллар миқдорига пул маблағлари ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шариоитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилади.

Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат тўпламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар “Вақф” хайрия жамоат фондида ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонлари ёзиш, зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш, беморларни даволаш ва болаларга кўмак кўрсатиш билан боғлиқ тадбирлар шаффоф ҳамда манзилли ташкил этилиши зарурлигини таъкидлади ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ДУО ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат муборак Қурбон ҳайити арафасида, юртдошларимиз Ҳаж амалларини адо этаётган кутлуг кунларда бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари муфтий ҳазратлари орқали муқаддас Макка шаҳрида бўлиб турган барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан самимий табриклаб, уларнинг элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати йўлида қилаётган эзгу дуо ва илтижолари қабул бўлишини тилади.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ватандошимиз муборак Ҳаж сафарига бормоқда. Бу йил яна бир хайрли ташаббус амалга оширилиб, Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакилларида иборат 100 нафар юртдошимиз илк бор давлат ҳисобидан Ҳаж сафарига юборилди.

Президентимиз зиёратчиларимизнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида суради, ибодатларни бажариши учун ташкилий ишларнинг бориши билан қизикди.

Муфтий шайх Нуриддин Холиқназар Макка ва Мадина шаҳарларида зиёратчиларимиз учун барча зарур шарт-шариоитлар яратилаётгани, ташкилий ишлар уюшқоқлик билан ўтаётганини таъкидлади. Бундан қалбида шукроналик ҳисси жўшган юртдошларимиз муқаддас жойларда туриб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилаётганини қайд этди.

Сўхбатда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли илоҳотлар халқимиз қалби, маънавияти ва маърифатига катта ижобий таъсир кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Имом Бухорий мажмуаси, Ислом цивилизацияси маркази, Бурҳониддин Марғиновий илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби яқинда фойдаланишга топширилган масканлар улугъ аждодларимизнинг бебаҳо меросини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Куни кеча Қурбон ҳайитини юртимизда ўзгача фойз ва шуқуҳ билан нишонлаш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Муборак айёмни нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирлари ҳам амалга оширилади. Жумладан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, 10 мингдан ортиқ болаларга мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, 2 мингга яқин оғир касалликка чалинган юртдошларимизни даволаш учун қўшимча маблағлар ажратилади. Масжид ва қабристонларни обод қилишга ҳам алоҳида ресурслар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ҳаётда кўпни кўрган, дуоғўй ҳожиларимиз юртга қайтгач, ислом маърифати ва соғлом эътиқодни халқимизга, айниқса, ёшларимизга теран етказишда, маҳаллаларда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва маънавий муҳитни мустаҳкамлашда намуна бўлишларига ишонч билдирди.

Сўхбат якунида Президентимиз барча ҳожиларимизга салом йўллаб, уларнинг савобли амаллари қабул бўлишини, юртимизга соғ-омон қайтишларини тилади.

ЎЗА

Моҳият



Маданий мерос —

миллий қадриятларимизнинг мустаҳкам асоси

Бугунги кунда мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза этиш, реставрация ва консервация қилиш масалалари, музейлар фаолиятини ривожлантириш, археологик тадқиқотларни тизимлаштириш ва уларни халқро миқёсда тарғиб этиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўхати йилдан-йилга кенгайиб, давлат муҳофазасига олинаётган объектлар



Малика КАДИРХАНОВА,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси

сони мунтазам равишда ортиб бормоқда. (Давоми 3-бетда) ►

■ Менда таклиф бор

Шифокор хатосими ёки жиноий эҳтиётсизлик: ЧЕГАРА ҚАЕРДА?



Маълумки, тиббиёт соҳаси шифокордан нафақат касбий билим ва юксак маҳоратни, балки инсон ҳаёти учун алоҳида масъулиятни ҳам талаб қилади. Аммо оқхалатли нажоткорларнинг ҳар бир ҳаракати ҳам доимо муваффақият билан якунланавермайди. Айрим ҳолларда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида қилинган муолажа қутилмаган фожиага сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Хўш, бундай вазиятларда юз берган салбий оқибатни «тиббий хато» деб баҳолаш керакми ёки бу инсон ҳаёти ва соғлиғига нисбатан лоқайд муносабатнинг кўриниши бўлган «жиноий эҳти-

ётсизлик»ми? Мазкур мақолада ана шу икки тушунча «тиббий хато» деб баҳолаш керакми ёки бу инсон ҳаёти ва соғлиғига нисбатан лоқайд муносабатнинг кўриниши бўлган «жиноий эҳти-

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштиришга, истеъмоличилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

■ Парламент фаолияти



Давлат чегарасини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Мажлисида депутатлар томонидан давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлаш-

га қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. **(Давоми 2-бетда) ►**

■■■ Қонун кўмаги

Ноўрин талаб

кассация судлов ҳайъати томонидан бекор қилинди

Фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро суди 2025 йил февралда фуқаро Зубайда Латифжонованинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳозирда бирга яшамётган турмуш ўртоғи Жасур Рўзиевни ўртадаги фарзанд — 2018 йили туғилган Жамила Рўзиевага нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги даъво аризасини эжавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқди. Зеро, суднинг бунга ваколати бор.

(Давоми 2-бетда) ►

Адолат тунанаси

Кеч бўлса-да, АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ:

Олий суднинг оқлов қарорлари замиридаги ҳақиқат

Кисмат шундай бе-шафқатки, баъзан беайиб ва беғубор инсонларнинг шаъни топталади, қадр-қимматига ҳам “қора” деб тамга босади. Аммо вақт чархпалаги айланиб, адолат кўёши балкиб чиқади: ким оқу ким қора эканлиги барибир равшан бўлади.

рихий воқеа сифатида ҳам муҳрланди. Ўша куни 161 нафар ватандошимизнинг пок номи орадан юз йил ўтиб, қайта тикланди.

Айтиш керакки, оқланганлар орасидаги ўнлаб шахс-

лар ўз маҳалладошлари ҳамда қишлоқдошларини озиқ-овқат билан таъминланган бойлар ва ишбилармон мулкдорлар бўлган.

(Давоми 3-бетда) ►



■ Хабар

TASHKENT CYBERLEX – 2026:

рақамли даврда қонун устуворлиги ва киберхавфсизлик бўйича глобал мулоқот майдони

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “TASHKENT CYBERLEX — 2026” халқаро илмий-амалий форуми ўз ишини бошлади. Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган мазкур форум “Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги” мавзусига бағишланган.



(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Qizimga maktublar

Ўлмас УМАРБЕКОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Image of Umarbekov

Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Лейтенант Худойбердиев билан Фаизи Саидов тил бириктириб, Туркистон Комитетининг топшириғи билан барча мусулмонлардан армия тузмоқчи бўлган. Сиз Хусанов, бизни қалғитманг. Қўли-

мизда етарли ҳужжатлар бор. — Мен бунга ишонмайман. Фаизи Саидов тўғри, биринчилар қаторида Худойбердиев таклифини қабул қилишни айтган. Бошқа ҳеч нарсасига у бизни ташвиқот қилмаган. **(Давоми 4-бетда) ►**

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, ер остида ноқонуний барпо этилган иншоотлар, туннеллар ёки бошқа инфратузилма объектдан фойдаланган ҳолда содир этилган божхона қонунчилигини бузиш ҳолатлари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, бундай иншоотлар ва туннеллар орқали қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон

Республикасига кириш ёки давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлиқни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний иншоотлар ва туннеллар қурилишига ёки бошқа инфратузилма объекти барпо этилишига била туриб, шарт-шароит яратиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, ушбу фаолиятни молиялаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилин-ди ва Сенатга юборилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қўллаб-қувватланади

Депутатлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида янада мустаҳкамлаш, уларнинг одил судловдан тўлиқ ва тенг фойдаланишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли ва самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасида “Ижтимоий реестр”га киритилган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Унга мувофиқ, ижтимоий хизматлар, нафақалар, имтиёзлар ва бошқа кафолатлар “Ижтимоий реестр”га киритилган оилаларга тақдим этилади. Бундан ташқари Солиқ кодексига ногиронлиги бўлган шахсларни иш

билан таъминлашни рағбатлантирувчи қатор имтиёзлар киритилмоқда. Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланмоқда. Ногиронлиги бўлган ходимларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ айрим харажатларни солиқ базасидан чегирини назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилаётган корхоналар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича қўшимча енгилликлар бериш тақлиф қилинмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмаларига ортиқча тўланган нафақаларни ундириш юзасидан судга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод қилиш белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламлари учун қўшимча имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланиб, учинчи ўқишда қабул қилин-ди ва Сенатга юборилди.



Нуксонли товарни алмаштириш тартиби аниқ белгилаб қўйилмоқда

Мажлисида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, нуксонли товарларни алмаштириш жараёнидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси тегишли норма-лар билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, истеъмолчи то-варнинг ишлаб чиқарили-ши, тўзилиши ёки тартибига оид камчиликларни аниқла-ган тақдирда, сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи айнан шундай маркали товар ма-вжуд бўлса, амалдаги тар-тибга кўра, 7 кун ичида ал-маштирилиши белгиланган.

Қонун лойиҳасида қў-шимча текшириш ўтказиш асослари ҳам аниқ белги-лаб қўйилмоқда. Жумла-дан, товардаги нуксонлар истеъмолчига товар реали-зация қилинганидан кейин

сақлаш ёки фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаракатлари натижасида ке-либ чиққан бўлиши мумкин-лигини ташки қўринишидан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда қўшимча текши-риш ўтказилади.

Махсуслот сифатини қў-шимча текшириш билан боғ-лиқ харажатлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томони-дан қопланади. Бироқ тек-шириш натижасида товарда нуксон мавжуд эмаслиги ёки нуксон истеъмолчининг қоидаларни бузиши ёхуд учинчи шахслар ҳаракати оқибатида келиб чиққанлиги аниқланса, ушбу харажат-лар истеъмолчи томонидан қопланиши белгиланмоқда.

Хужжатда истеъмолчи-нинг ҳуқуқлари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Хусу-сан, у шахсан ёки ўз вакили орқали товар нуксонининг текшириш жараёнида ишти-рок этиш, текширув вақти ва жойи ҳақида олдиндан ха-тибардор қилиниши ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан мус-тақил текширув ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депу-татлар томонидан қабул қи-линди ва Сенатга юборилди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Масъулият ва хавф: тиббий-ҳуқуқий парадигма

Тиббий хато — бу тиббиёт ходимининг касбий фаолияти жараёнида қасддан бўлмаган адашиши ёки янглиш қарор қа-бул қилишидир.

Илмий тадқиқотларга кўра, хатто ривожланган давлат-ларда ҳам ташхис қўйиш ва даволаш жараёнидаги хато-лар беморга муайян даража-да таъсир кўрсатади. Хусусан, айрим маълумотларда қайд этилишича, амбулатор даво-лаш шароитида беморларда нотўғри ташхис қўйиш ҳолат-лари тез-тез учраб туради. Ма-салан, АҚШда дори терапия-си билан боғлиқ хатolikлар оқибатида ҳар йили дунёдан бевақт кўз юмадиганлар сони йўл-транспорт ҳодисалари қурбонларидан бир неча ба-робар кўп экани қайд этилган.

Бундай ҳолатлар шифокор ўз вазифасига виждонан ёнда-шиб, тиббий ёрдамнинг амал-даги стандартларига тўлиқ риоя қилган тақдирда ҳам юз бериши мумкин. Бунда шахс ҳаракатларида айб мавжуд бўлмайди ва жиноий жавоб-гарлик истисно этилади.

Жиноий эҳтиётсизлик эса, мутлақо бошқа ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади. Бунда тиббиёт ходими белгиланган қоида ва стандартларга бепарво муно-сабатда бўлади ёки касб вази-фаларини талаб даражасида бажармайди. Жиноят кодек-сининг 116-моддасида айнан шундай қилмишлар учун жа-вобгарлик назарда тутилган.

Мазкур модда бўйича шахс-ни айбдор деб топиш учун унинг ҳаракати ёки ҳаракат-сизлиги билан келиб чиққан оқибат ўртасида бевосита сабабий боғланиш мавжуд-лиги тергов ва суд томони-дан ишончли далиллар билан исботланиши шарт. Агар сал-бий оқибат шифокор ҳарака-тидан эмас, балки тасодифий омиллар ёки бемор организ-мининг ўзига хос хусусиятлари натижасида келиб чиққан бўл-са, жиноий жавобгарлик юзга келмайди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда рақам-лаштириш, сунъий интел-лект, рақамли далиллар, криптоактивлар ва кибер-жиноятчилик давлатлар ҳуқуқий сиёсати ҳамда мил-лий хавфсизлик тизимининг энг долзарб йўналишла-ридан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, Форум мамлакатимизда рақамли давлат куриш, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини модернизация қи-лишга қаратилган сиёсат-нинг мантикий давоми сифа-тида алоҳида аҳамият касб этади.

Форумнинг ялпи мажлиси-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроқ айтганда, жавобгар хо-рижда яшайди. Шу сабабга кўра, унинг суддаги иштирокини таъминлаш қийин. Бинобарин, Фуқаролик процес-суал кодексининг 164-моддасида суд ишни муайян ҳолатларда жавобгар-нинг иштирокисиз қўриши мумкинлиги қайд этилган.

Давъовгар 3.Латифжоновва судда кўрсатма бераркан, жавобгар 2018 йилнинг январидан то 2024 йилнинг ноябрь ойигача ўтган салкам 6 йил мобайнида зиммасидаги алимент мажбуриятини бажармай келаётгани, оқибатда бу борадаги умумий қарз-дорлик миқдори 18,1 миллион сўмга етганини баён қилди. Шунга асосан, уни оталик ҳуқуқидан маҳрум этишни сўради.

Судда иштирок этган прокуратура органи вакили давъовгарнинг талаби-ни қаноатлантириш ҳақида фикр бил-дирди. Аниқланган ҳолатларга кара-ганда, жавобгар томонидан фарзанди тарбияси бўйича содир қилинган ноқўя ҳаракатлар салмоғи анча катта.

Алимент тўловларига бўлган бе-писандлик ҳолатлари бўйича унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси-га асосан, 2023 йилда икки марта ба-ённома расмийлаштирилган.

Суд ана шу асосларга таяниб, Жа-сур Рўзиевонни қизи Ж.Рўзиевовага нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилган.

Буни қарангки, суднинг бу қаро-

■ Менда таклиф бор

Шифокор хатосими ёки жиноий эҳтиётсизлик: чегара қаерда?

Демак, тиббий-ҳуқуқий па-радигманинг асосий вази-фаси, бир томондан, бемор хавфсизлигини таъминлаш; иккинчи томондан эса, шифо-корни асоссиз ҳуқуқий босим остида қолдирмасликдан ибо-рат.

ЖИНОЯТ КВАЛИФИКАЦИЯСИ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАР

Тиббиёт ходимининг ҳа-ракатларига ҳуқуқий баҳо беришда жиноий жавобгар-ликнинг чегарасини аниқ бел-гилаб олиш ниҳоятда муҳим. Чунки тиббий фаолиятда юз берган ҳар қандай салбий оқибат ўз-ўзидан жиноят деб баҳоланмайди.

Чунончи, Жиноят кодекси-нинг 116-моддасига кўра, тиб-биёт ходимининг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки ин-софсизлик билан муносабат-да бўлиши туфайли ўз вази-фаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармасли-ги ёхуд касалга узрсиз сабаб-ларсиз ёрдам кўрсатмаган-лиги натижасида беморнинг баданига ўртача оғир ёки оғир-шикаст етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, ушбу қил-мишлар эҳтиётсизлик орқа-сидан одам ўлимига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлиқни юзга келтиради. Демак, ушбу норма тиббий амалиётдаги ҳар қандай хатони эмас, балки айбли ва эҳтиётсиз муносабат оқибатида келиб чиққан оғир оқибатларни қамраб олади.

Тиббиёт ходимининг ҳа-ракатларига ҳуқуқий баҳо бе-ришда ҳуқуқшунос олим И.Г. Вермель томонидан илгари сурилган қуйидаги мезонлар муҳим аҳамиятга эга:

- ҳаракатнинг тиббий қоида ва стандартларга зид бўлиши;

- шахс ўз ҳаракатининг хавфли оқибатларга олиб ке-лиши мумкинлигини англаши лозим бўлиши;

- ҳаракат ва келиб чиққан оқибат ўртасида бевосита са-бабий боғланиш мавжудлиги.

Шу ўринда, шошилинч тиб-бий ёрдам кўрсатиш жараёни-да юз берган бир воқеага эъти-бор қаратсак.

Жиноят иши материаллари-га кўра, оғир нафас йўллари ка-саллигига чалинган чақалоққа нисбатан белгиланган тиббий стандартлар тўлиқ бажарилма-ган, беморнинг аҳволи етарли баҳоланмаган ва шифохонага ётқириш масаласи лозим дара-жада ташкил этилмаган. Оқи-батда бемор реанимация бўли-мида вафот этган.

Судда судланувчилар ўз ҳа-ракатларини тиббий стандар-тларга мувофиқ деб кўрсатган бўлсада, суд-тиббий эксперти-заси шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда норматив тала-бларга тўлиқ риоя этилмаган-ини тасдиқлади.

Мазкур ҳолат тиббий хато билан жиноий эҳтиётсизлик ўртасидаги чегара амалда нақадар нозик эканини кўрс-атади. Шу боис, бундай ишлар-ни ҳуқуқий баҳолашда асосий эътибор тиббиёт ходимининг касбий стандартларга риоя қилгани, унинг ҳаракатларида айб мавжудлиги ва оқибат би-лан бевосита сабабий боғла-ниш бор-йўқлигига қаратили-ши лозим.

Демак, тиббий-ҳуқуқий ба-ҳолашнинг асосий вазифаси, бир томондан, шифокорни асоссиз жиноий таъқибдан ҳи-мо қилиш; иккинчи томондан эса, бемор ҳаёти ва соғлигини самарали ҳуқуқий муҳофа-за этиш ўртасида адолатли мувозанатни таъминлашдан иборат.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ ТАКЛИФЛАР

Тиббий фаолиятда жиноий жавобгарлик масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва адо-латли ҳал этиш амалиёти шуни кўрсатадики, амалда тиббий хато билан жиноий эҳтиётсиз-лик ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш ҳар доим ҳам осон эмас. Шу боис, бу борадаги қо-нунчилиқни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Биринчидан, Жиноят ко-дексининг 116-моддасида “касб вазифаларини лозим даражада бажармаслик” ту-шунчасининг норматив маз-мунини аниқлаштириш зарур. Хусусан, ушбу тушунча қайси ҳолатларда қасд, қайси ҳо-латларда эҳтиётсизлик мав-жудлигини фарқлашга хизмат қиладиган мезонлар билан тўлдирилса, қақсада мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, тиббий стан-дартлар ва клиник протоколлар-нинг ҳуқуқий аҳамиятини янада аниқ белгилаш, уларнинг суд-ҳуқуқ амалиётида мажбурий ме-зон сифатида қўлланилишини мустаҳкамлаш зарур. Бу тиббий қарорларнинг баҳоланишида субъектив ёндашувларни ка-майитиришга хизмат қиладди.

Учинчидан, тиббиёт ходим-ларини жиноий жавобгарлик-ка тортишда “тиббий хато”, “касбий таваккалчилик” ва “объектив тиббий мураккаблик” каби тушунчаларни ҳуқуқий жиҳатдан инобатга олиш ме-ханизмини такомиллаштириш асоссиз жиноий таъқибнинг ол-дини олишга хизмат қиладди.

Тўртинчидан, тиббий фа-олият билан боғлиқ жиноят ишларида комплекс суд-тиб-бий экспертизасининг роли ва процессуал аҳамиятини қу-

чайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки сабабий боғланишни аниқлашда айнан экспертиза ҳулосалари ҳал қилувчи ўрин тутади.

Бешинчидан, тиббиёт хо-димларининг касбий жавобгар-лигини мажбурий суғурта қилиш тизимига ўтказиш талаб қили-нади. Бу жавобланувчига еткази-лан зарарни тезкорлик би-лан қоплаш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, судьянинг масъулияти айб-ланувчи, жабрланувчи ва жа-мият манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашдан иборатдир. Бир томондан, касбий вазифаларни бажариш жараёнида хатога йўл қўйган тиббиёт ходимининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши лозим бўлса; иккинчи томондан, саломатли-гига зарар етган жабрланувчи-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш зарур. Шу билан бирга, келгусида бундай ҳолатлар-нинг олдини олиш мақсадида, жамиятда қонун устуворлиги таъминланиши шарт.

Тиббиётнинг асл моҳия-ти инсон ҳаётини асраш ва унинг сифатини яхшилашдан иборат. Жиноий жавобгарлик институтининг мақсади эса — тиббиёт ходимини жазолаш эмас, балки касбий масъулият-ни мустаҳкамлаш, лоқайдлик ва эҳтиётсизликка чек қўйиш ҳамда мутахассисларни ўз фа-олиятига янада виждонан ён-дашишга ундашдан иборат.

Зеро, тиббий хато билан жи-ноий эҳтиётсизлик ўртасидаги ҳуқуқий чегара қанчалик аниқ ва адолатли белгиланса, тиб-биёт тизимининг барқарорли-ги ҳам, жамиятнинг бу соҳага нисбатан ҳуқуқий ишончи ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Хайруллохон КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди раиси

рея Республикаси, Хитой, Сингапур, Нидерландия, Австрия, Латвия, Исроил, Вьетнам, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан про-курорлар, суд экспертлари, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва рақамли технологиялар соҳаси мута-хассислари тақлиф этилган.

Форум доирасида ўткази-ладиган тўртта мавзули сес-сияда рақамли ҳуқуқ ва ки-берхавфсизлик соҳасининг энг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Абдумуталлиб ўКТАМОВ,
журналист

Қонун қўмағи

Ноўрин

миқдори 31 миллион 965 минг сўмни ташкил этган.

Бошқа бир ҳужжат: 3.Латифжонован-нинг 2025 йил март ойда Мажбурий ижро бюроси Ҳазорасп тумани бўли-ми бошлиғи номига ёзган тилхатида эса, жавобгардан жами 22,8 миллион сўм пулни ўз қўли билан санаб олган-ини қайд этилган. Буни сўнгги суд чоғи унинг ишончли вакили, онаси 3.Ла-тифжоновва ҳам тан олди.

У кассация судида кўрсатма бе-риб, ушбу ҳолатни инкор қилмасли-гини, қизи 2025 йил май ойда Тур-кия давлатига кетгани, шундан бери қайтиб келмагани, невараси ўзининг қарамоғида экани, жавобгар Ж.Рўзи-боевни алимент мажбуриятларини бажармагани ҳолати бўйича жавоб-гарликка тортиш юзасидан мажбурий ижро бюросига ёки бошқа ваколатли органларга мурожаат қилинмаганини билдирди.

Мажбурий ижро бюроси Ҳазорасп тумани бўлими бошлигининг шу йил 4 мартдаги маълумотномасида эса, жа-вобгарга нисбатан алимент қарздор-лигини бартараф этм аганлик бўйича маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораси қўлланилмагани маълум қи-линди.

■ Хабар

TASHKENT CYBERLEX – 2026:

рақамли даврда қонун устуворлиги ва киберхавфсизлик бўйича глобал мулоқот майдони

да Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр Исломов, Бош прокурор Ниг-матилла Йўлдошев, Рақамли технологиялар вазири Шер-зод Шерматов, Ички ишлар вазири Азиз Тошпўлатов, Миллий гвардия қўмондони Баҳодир Тошматов, Олий

Мажлис Сенатининг Суд-ху-қуқ масалалари ва корруп-цияга қарши курашиш қўми-таси раҳбарияти, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экс-перт доиралари вакиллари иштирок этди.

Форум ишига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик

ташкilotи, INTERPOL, Гер-мания халқаро ҳуқуқий ҳам-корлик жамғармаси (IRZ), Ев-ропа кибертаълим тармоғи (ECTEG) ҳамда бошқа нуфуз-ли халқаро институтлар экс-пертлари жалб этилган.

Шунингдек, АҚШ, Герма-ния, Франция, Япония, Ко-

ри жавобгар Ж.Рўзиевонни бефарқ қолдирмади. Аниқроқ айтганда, у шу йилнинг январь ойда хориждан қайт-гач, Хоразм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация шикоят билан мурожаат қилди. Биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори асоссиз эканлигини таъ-кидлаб, уни бекор қилиш ва давъони рад этишни сўради. Сўзининг исботи учун далиллар келтирди.

Шундан сўнг судда кассация шикоя-тини қўриш жараёнида қўпгина ҳолат-лар қайта ўрганилди. Бу жараёнда ма-саладанинг ҳақиқат бўлмаган янгича жиҳатлари юзига қалқиб чиқди.

Маълум бўлишича, жавобгар Ж.Рў-зиеов 2023-2025 йиллар мобайнида хорижда ишлаётган чоғи банк орқали турмуш ўртоғи Зубайда Латифжоно-ванинг номига турли миқдорда пул маблағи жўнатган. Бу пулларнинг ҳужжатларда ифодасини топган жами



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Терговчи столни уч-тўрт чертади. Иккита соқчи озгин, соч-соқоли ўсиб қорайиб кетган бир одамни олиб киришади. Зиёмат ака танийди. У Саидов эди.

— Мана, Зиёмат Хусанов сизни танир эканлар. Лагерда бирга бўлган экансизлар, — дейди терговчи.

Саидов ялт этиб, Зиёмат акага қарайди.

— Балки шундайдир, — дейди у. — Аммо мен бу одамни танимайман, у билан сира гаплашмаганман.

Терговчи уни гапидан тутмоқчи бўлади:

— Зиёмат Хусанов сиз биринчи бўлиб легионга ўтишни, Худойбердиев таклифни қувватлашни ташвиқот қилганингизни тасдиқлаб турибди.

— Таклиф қилганим рост. Ният — тезроқ лагердан қочиш эди. Аммо бу гап бўлаётган пайтда бу одамни кўрмаганман. Мен уни танимайман. Бекорга бизни учраштиряпсиз. Мендан бошқа ҳеч нарса эшитмайсиз.

Терговчи ишораси билан Файзи Саидовни олиб чиқиб кетишади.

Хусанов ўшанда Файзи Саидов уни мудҳиш айбномадан қутқариб қолганини тушунади ва умрининг охиригача ундан миннатдор бўлиб ўтади, у билан фахрланади.

Умид қиламан, йиллар ўтган сари одамларнинг меҳр-оқибатлари бир-бирларига кучая боради. Бир кун келиб, урушларни болалар фақат китоблардан ўқийдилар, тинч-тотув ҳаёт кечирадилар. Фақат биттагина мамлакат ичида эмас, бутун ер юзида шундай бўлади.

Хозирча эса, урушлар, янги-янги қирғинлар инсон вужудини ларзага соляпти, дилини қақшатаяпти. Отанани боладан, йигитни қиздан, хотинни эрдан жудо қиляпти.

Урушда яқин жигарларидан ажраган одамларнинг, ота-онасиз қолган болаларнинг асирларга қандай раҳм-шафқат билан қарашганини ўз кўзим билан ўз шаҳримизда, ўз кўчамизда



кўрганман.

Улар бизнинг кўчага киришлари билан трамвайлар юришдан тўхтарди. Кўча тор эди. Юк машиналари, аравалар ҳам четга ўтиб, уларни ўтказиб бошларди.

Мен ҳозир одамлар уларни уриб кетади, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳеч ким уларни сўккани ҳам йўқ. Фақат бир-икки шўх болалар «Фашист!», «Фашист!» — деб бақиршди, аммо ҳеч ким қувватламаганидан кейин улар ҳам жим бўлиб қолишди.

Кимдир бир дўппи ўрик олиб чиқиб, соқчининг олдига борди. Соқчи беравер, деган ишора қилди. Одамлар худди шуни кутиб туришгандек, юғриб уйларига кириб кетишди. Кўп ўтмай кимдир нок, кимдир бир товоқ олма, помидор, хуллас, нима қўлига тушса, шуни олиб чиқиб, асирларга беришди.

Одамлар, энг аввало, бу дунёга яшаш учун келадилар. Қадим-қадимларда шундай бўлган: одамлар бир-бирлари билан иноқ, қариндош-уруғлардек яшаганлар. Фақат очкўзлик, бойликка интилиш урушларни келтириб чиқарди. Албатта, ҳар хил урушлар бўлади. Мен, асосан, боқинчилик урушларини, бегуноҳ халқлар бошига

ҳисобсиз қулфатлар келтирувчи урушларни биринчи галда назарда тута-ялман. Уйингга душман келиб, эшик қоқиб турса-да, сен урушга қаршиман, деб қўл қовуштириб турсанг! Бу, албатта, бемаънилик. Лекин барибир уруш бўлмагани, ҳамма масалалар тинчлик-тотувлик билан ҳал бўлгани маъқул. Шунга ҳамма интилиши керак. Бу Худога ҳам, унинг ер юзидаги барча бандаларига ҳам маъқул келади.

Йирик ўзбек таржимони, мен билан узоқ йиллар радиода, «Ўзбекфильм» киностудиясида бирга ишлаган дўстимиз Қодир Мирмуҳамедов асирлик азобларини худди Файзи Саидов, Зиёмат Хусанов сингари бошидан кечирган. Аммо унинг гапи бўйича бу азобларни у кўпроқ юртига қайтиб келганидан кейин кўрган. Асирликда у хонадонларда ишлаган экан. Немис аёллари ҳам бизнинг аёллардек меҳнаткаш экан. Раҳм-шафқатли экан. Соқчаларнинг кўзини шамғаллатиб туриб, нон, сигарет, хуллас, топаннини асирларга бериб туришар экан.

Бу фақат Қодир Мирмуҳамедовнинг гапи эмас. Германияга ҳайдаб кетилганлар (концлагердагилар бундан мустасно) оз бўлса ҳам, хонадонларда одамгарчилик кўришган.

Урушнинг тугаши яқинлашиб қолганда, ҳарбий казармада ҳам аҳвол ўзгариб кетди. У илгаригидек қўриқланмас, деворлар устидаги электр токи юборилган симлар, бир-бирига яқин ўрнатилган фонарлар олиб ташланди. Ичкарига кириб-чиқиш осон бўлиб қолди. 1948 йил ўрталарига келганда, казарма бутунлай хувиллаб қолди. Офицерлар уйларида одамлар яшаса ҳам, солдатлар турадиган жой кимсасиз қолди. Вилоятлардан ҳеч кимни бу ерга олиб келмайдиган бўлишди. Демак, ўз-ўзидан ҳеч ким бу ердан урушга кетмайдиган бўлди. Бу, албатта, яхши аломат эди. Энди казарма дарвозаси олдида йиғи-сиғи бўлмас, энди ҳеч ким ўз яқинини худди ўлимга юбораётгандек ташвишга тушмасди.

Уч йиллардан кейин бирдан казармани бузиб юборишди. Унинг ўрнида кўп қаватли уйлар қад кўтара бошлади. Хозирги Лохутий кўчасининг икки томонидаги уйлар казарма ҳовлиси ўрнига тушган.

Ўша пайтда нон дўконларида яна гижда нон пайдо бўлди. Оқ, юмшоқ, ўртаси, қақич тушган жойи курс-курс қилади тишлаганингда. Аммо унга етиш амримаҳол эди. Бизнинг кўчалардаги нон дўконларида у жуда кам бўларди. Кўпчилик ўртоқларим Эски шаҳардаги нон дўконларига борадиган бўлишди. Азонда кетиб, пешинга яқин «Заборная карточка»ларига янги, иссиқ, қип-қизил гижда нон олиб келишарди. Мен ҳам уларга қўшилиб борадиган бўлдим. Аммо ҳар кун биришга имкон бўлмасди. Гижда нонга борсам, моллар бардисииз қолиб кетарди. Шунинг учун бир кун қора нон оладиган бўлдим, бир кун эса Усмон, Музроб ва бошқалар билан эрта саҳарда трамвайнинг орқасига осилиб, Хадрага борамиз. У ердан плёда Эски Жўвага ўтамыз. Бизнинг оилага саккизта гижда нон беришади. Нон қўлга текканида биздан бахтли одам дунёда бўлмасди. Яна трамвайга осилиб уйга қайтардик.

(Давоми келгуси сонда)

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— **Айтинг-чи, амалдаги қонунларда белгиланмаган жойларга чиқиндиларни ташлаган шахсларга нисбатан қандай жазо чоралари белгиланган?**



Р. ОМОНОВ,
Бойвут тумани

— Ҳа, амалдаги қонунларда бундай хатти-ҳаракатлар учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91¹-моддасига биноан, агарда фуқаро белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ёки қурилиш чиқиндиларини ташласа, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкса, бу ҳолат унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил давомида такроран содир этилган тақдирда, фуқароларга — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ийгирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 123-моддасига асосан, транспорт воситаларидан (поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари, йўловчилар транспорти, сув транспорти) дан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари жарима жазоси тайинланади.

— **Агарда фуқаро жамоат жойида баланд овозда мусиқа кўйиб, атрофдагиларнинг тинчлигини бузса, маъмурий жавобгарликка тортиладими?**



С. КАМОЛОВА,
Сирғали тумани

— Албатта, шахс жамоат жойларида нафақат баланд овозда мусиқа кўйиб, балки бошқа усуллар билан ҳам атрофдагиларнинг тинчлигини бузса, бундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасига кўра, тунги вақтда — соат 23⁰⁰ дан 06⁰⁰ гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа ҳеч қачон савдо предмети бўлиши мумкин эмас. Қонунларимиз худди юқоридаги сингари инсон қадрини қатъий ҳимоя қилади. Бола ҳуқуқлари ҳар қандай баҳона ёки ҳар қандай моддий манфаатдан устун эканлигини ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Алишер ХОЛБОВЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Пахтачи тумани суди раиси

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч – адолатда» муҳбири

тулар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовкин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовкинга қарши қураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга Тошкент шаҳар маъмурий суди судьяси Дусмурод Товшев жавоб берди.

Инсон қадрни ҳамма нарсадан устун. Давлат, жамият ва оила бор экан, энг аввало, инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги ҳимоя қилиниши шарт. Айниқса, эндигина дунёга келган, ўзини ҳимоя қилишга ожиз, ўз хоҳишини билдиришга қодир бўлмаган қақалоқ тақдир ҳақида гап кетганда, бу масъулият янада ортади. Яқинда судда мазмунан муҳокама қилинган бир жиноят иши юртимизда инсон қадрни муқаддас эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни яна бир марта кўрсатди.

Аввало, судда кўрилган ушбу жиноят ишига тўхталадиган бўлсак, судланувчи Ҳанифа Остонова (исм-шарифлар ўзгартрилди) ўзининг 13 кунлик набирасини 300 миллион сўмга сотган ва ушбу маблағнинг 1 минг АҚШ долларини олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган.

Бу қилмишни оддий жиноят сифатида баҳолаб бўлмайди, чунки гап мулк, буюм ёки моддий бойлик тўғрисида эмас, балки кечагина дунёга келган, онанинг қайноқ бағри, меҳри ва алласига муҳтож жажжи чақалоқ ҳақида кетмоқда.

Холбуки, юрагида зигирдек меҳри, инсофи бор кимса ҳеч қачон бундай қабих ва тубан қилмишга қўл урмайди.

Суд ҳукми билан Ҳ.Остонова Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган хавфли қилмишни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳаётда ҳеч қачон олма да-рахтини-нинг остига бошқа мева тушганини кўрганмишди? Бу саволга «йўқ, олманинг остига фақат олма тушади» деб жавоб беришингиз аниқ.

Биз халқимизнинг ушбу ҳикмати-ни бежизга келтираётганимиз йўқ. Чунки юқорида тафсилоти баён этилган



жиноий қилмиш ҳам ўз-ўзидан рўй бергани йўқ, аксинча, унинг бир томони оилавий тарбиядаги кемтикларга бориб тақалади.

Аслида, Ҳанифа Остонова ҳам турмушга енгил-елпи қарагани, оила ва никоҳни муқаддас билмаслиги боис аччиқ қисматга рўбарў бўлди. Биринчи турмуш ўртоғи Ш. Хайриев билан узоқ яшамади, ўзаро келишмовчилик сабабли қизи Ҳакимага ҳомиладор бўлган пайтда ажралиб кетди. «Халқимиз биринчи бахтинг — ой бахтинг, кейинги бахтинг — сувга оқдинг» деб бежизга айтмаган. Аммо Ҳ.Остонова қизи дунёга келгач, орадан кўп ўтмай яна Ҳ.Тоғаев деган кимсага турмушга чиқади. Афсуски, иккинчи шаръий никоҳ ҳам узоқ давом этмайди.

Шундан сўнг Ҳ.Остонова қизи билан Бухоро вилоятининг Пешку туманига боради ва аёллар ижтимоий ётоқхонасида яшай бошлайди.

Бу пайтда Ҳ.Остонованинг қизи — Ҳақиманинг ҳам бўйи етиб қолганди. Аслида,

онасининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди.

Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

насининг ҳаётда йўл қўйган хатоси қизига аччиқ сабоқ бўлиши, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди. Аммо Ҳақима бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрмайди, охи-р-оқибат эса, унинг тақдирини ҳам айнан онасининг қисматидек кечди. Гап шундаки, Ҳақима 2024 йилнинг декабрь ойида Қо-

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди	Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Бахтиёр ИСЛАМОВ Алишер УСМАНОВ Акрам ШУКУРОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА Холмўмин ЁДГОРОВ	Сахифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ	Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575. Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5750 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 22⁰⁰.
--	---	---	---	---